ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

determinant that activates human activity, motivates it, and directs it to a goal. Sufism is the manifestation of human intellectual abilities in many ways, complex, diverse. We would like to draw your attention to some ideas in the system of knowledge that have captured our attention through the prism of modern philosophical vision of the world.

In the Sufi interpretation, love is not just a pleasure, but it is a moving, dynamic, multi-vector movement. Love always unites and is purposeful.

References:

1. Popova, O.A. (2013) Lyubov' kak organizuyushchee nachalo bytie [Love as an organizing principle of being]. Abstract of dissertation candidate of philosophical sciences. Saratov.

2. Abu Ali Ibn Sina. (2005) *Avicenna* [Avicenna]. Vol.2. Dushanbe: Donish.

3. Taynom pis'me o Boge Al'berta Ejnshtejna. [Online]. URL: //https:gcshelp.org/ru/novosti/taynoe_pisjmo_o_boge_aljrta_eynshteyna.html (Date of Access: 15.04.2020)

4. Idris, Shah. (1994) *Sufizm* [Sufism] Moscow: Klyshnikov, Komarov i Ko.

5. Maturana, U., Varela, F. (2001) *Drevo poznaniya: biologicheskie korni chelovecheskogo ponimaniya* [The tree of knowledge: biological roots of human understanding]. Moscow: Progress-Tradiciya.

6. Mikeshina, L. (2010) *Dialog kognitivnyh praktik* [Dialogue of cognitive practices]. /Iz istorii epistemologii i filosofii nauk [From the history of epistemology and philosophy of sciences]. Moscow: ROSSPEN.

7. Soloviev, V.S. (1989) *Chteniya o bogochelovechestve* [Readings about God-manhood]. Works in two volumes. Vol.2. Moscow: Izdatel'stvo Pravda.

8. Ishchenko, Y.U. (2015) *Tolerantnost' v diskurse transdisciplinarnosti* [Tolerance in the discourse of transdisciplinarity]. Transdisciplinarnost' v filosofii i nauki. Podhody, problemy, perspektivy [Transdisciplinarity in philosophy and science. Approaches, problems, prospects]. Moscow: Navigator.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

АБДУЛЛАЕВА Маҳбуба Нуруллаевна – фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети профессори.

ҒАФФАРОВА Гулчеҳра Ғуламжановна – фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети профессори. E-mail: gulchehra_3@mail.ru

УДК316.42:141.2

«ТАЪЛИМДАН – ДУНЁҚАРАШГА» ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПАРАДИГМАСИ

Г.Т.Маҳмудова

Мақолада мамлакатимизнинг ижтимоий соҳа жараёнларида амалга оширилаётган ислоҳотлар воқелиги ва назарий-амалий ҳолатлари таҳлил этилган. Жумладан, муаллиф инсоният тараққиёти негизида фалсафа қонуниятларининг шаклланиши ва ҳаётга татбиқ этилиши орқали борлиқни англаш муаммолари ҳақида фикр билдиради. Замонавий фалсафа муаммолари, таълим тизимидаги ижтимоий соҳаларнинг концептуал масалалари ижтимоий тараққиёт муаммоларига қаратилиши кераклиги билан изоҳланади.

Калит сўзлар: *ислоҳот, фалсафа, парадигма, тафаккур, борлиқ, онг, тизим, қонуният, рационаллик, дунёқараш.*

Встатье анализируются теоретико-практические особенности реформсоциальной сферы в процессе происходящих преобразований в Узбекистане. Глубоко углубляясь в проблемы молодежи и науки, автор раскрывает и анализирует некоторые проблемы в образовании, особенно уделяя в этом большое внимание значению философии как науки о мировоззрении. При этом утверждается, что изменения, происходящие в социальных слоях населения, приводят к изменению содержания общественного сознания.

Ключевые слова: *реформа, философия, парадигма, мышление, бытие, сознание, система, закономерность, рационализм, мировоззрение.*

Замонавий жамият – очиқ, мураккаб тизимли жамият бўлиб, фаолиятда мақсадли йўналтирилган куч, иқтидор, ақлни тақозо этади. Инсоният олдида фақатгина табиий бойликларнинг истеъмолчиси бўлибгина қолмай, моддий ва ижтимоий борлиқни ўзгартириш, кенгайтириш, чуқурлаштириш орқали ақл-идрокни эркин ва мақсадли йўналтириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда.

Тафаккур тарихини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлиш мумкинки, барча мутафаккир алломалар оламни ягона тартиб ва қоидаларга бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Қайсидир маънода бу қонуният баъзи жамиятлар томонидан қўлланса, баъзилари томонидан эса инкор этилган. Қандай бўлишидан қатъи назар, инсоният айнан шу қадриятлар тизимида, таълимотлар борлиғида шаклланган. Зеро, Ҳусайн Воиз Кошифий таъкидлаганидек: «Улуғлар айтишича, ҳамма халойиқ ақлга муҳтождир ва ақлни тажрибага эҳтиёжи бордир. Чунки тажриба ақлни ойнасидирки, унда иш яхшилиги суратини мушоҳада қилади. Рўзғор тажрибалари узун умр ва кўп яшаш билан қўлга келади. Умр орияти муддати бу маънони топишга вафо қилмаслигини ҳакимлар кўрдилар. Шундай экан, бунга шундай чора барпо қилдилар ва меҳрибонлик юзидан бир тадбир кўзладилар. Бу нуқсонни йўқотишнинг иложи бўлсин ва ҳамма тажрибалар бир йўли қўлга киритилсин. Шундай чора ва тадбир шуки, ўтган подшоҳлар аҳволи ҳикоятини ва амирлару вазирлар ахборотини ва олимлару ҳакимлар сўзларини китобларга битдилар. Бурунгилар қиссаларини ва тарихларини кейингилар учун саҳифалар қайдига ёздилар. Токи, давлат ва шавкат аҳли уларни ўзларига дастуруламал қилсинлар ва ҳар қайси бирлари ўз истеъдоди ва ҳимматига боқиб, у ҳикоятлар мутолааси ва у ривоятлар мулоҳазасидан баҳра олсинлар ва фойда кўрсинлар» [1. Б. 202].

Фалсафа оламида дунёни тушунтириш хусусида маълум тизимли назария яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаганига амин бўлиш мумкин. Аммо илгари бундай назарияларнинг кўпчилиги тажрибага суянмас, тажриба натижалари билан тақкосланмас эди. Инсоннинг жамоавий тажрибаси, ижтимоий, миллий ҳаётининг ривожланиш йўли айрим фалсафий назарияларнинг диққат марказидан ўрин олмас эди. Шунинг учун улар оламни билиш борасида инсон тафаккурида бўладиган ҳодисаларнигина ажратиб олиб, фақат унинг қонуниятларини ўрганишар ва уни умуман воқеликка татбиқ этишга уринардилар.

Э.В.Ильенков таъкидлаганидек: «Фалсафа баъзида ёшларда оламнинг чуқур сирлари ҳақида шошилмай ва сокин фикр юритадиган сочларига оқ оралаган донишманд қиёфасида тасаввур қилинади. Бу донишманд «ақл-идрокнинг ўзига хос яхлитлиги» ва шунга ўхшаш сюжетлардан иборат бўлган, борлиқ муаммоларидан, қувонч ва азобларидан воз кечишни талаб этганлигида кўринади» [2. Б. 18].

Фалсафага нисбатан бундай фикрнинг шаклланиши бежиз эмас. Бундан шундай хулоса келиб

УДК 8-1/-9+416.13

РИТМО-ФОНЕТИК ФИГУРА КОМПОНЕТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎРНИ

Н.Х.Шарафиддинова

Мақолада ритм уни ташкил этувчи компонентларнинг ўзаро алоқадорлигига эга бўлган барқарор тизимли бир бутунлик эканлиги ҳақида гап боради. Ритмик фигура компонентлари фарқланиши ритмо-фонетик фигура компонентлари мисолида ўрганилган. Мисраларнинг метрик жиҳатдан тенглашишида ундош товушларнинг роли кўрсатиб ўтилган. Туроқларга бўлиш принциплари ҳақида фикр билдирилиб, атамаларни қўллаш юзасидан баҳс юритилган. Қиёсий усул асосида хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: *ритм, компонент, туроқ, мисра, фигура, ритмо-фонетик, сегмент.*

В статье ритм рассматривается как устойчивое структурное целое со взаимосвязью составляющих его компонентов. Различие компонентов ритмической фигуры показано на примере компонентов ритмико-фонетической фигуры. Указана на роль согласных в метрическом выравнивании неравных стихов по слогам. Обсуждаются принципы разделения стихов на «турак»и и терминология, используемая в узбекском стиховедении. Сделаны соответствующие выводы на основе сопостовительного метода.

Ключевые слова: *ритм, компонент, турак (стопа), мисра (стих), фигура, ритмо-фонетик(ритмо-фонетичкская), сегмент.*

Ритм уюшган бир бутунлик бўлиб, барқарор тизимда ўзининг қатъий ўрни ва алоқадорлигига эга бўлган элементлар мажмуидан иборатдир. Бу элементлар моддий сегмент ва номоддий супер-сегментлардан ташкил топади. Моддий сегментлар ритм системасида қисмдан бутунга қараб қуйидагича жойлашувга эга: *товуш, бўғин, туроқ (рукн), мисра, банд, такт, жумла.* Номоддий сигментлар урғу ва паузадир.

Ҳар қандай нутқ шакли, албатта, ўзига хос ритмга эга бўлади. Нутқ шакли билан боғлиқ ҳолда, ёзма нутқда ритм турлари ҳам фарқланади: насрий ритм, назмий ритм. Назмий ритм, ўз навбатида, метрик ва дисметрик кўринишларга эга.

Сочма нутқда ҳам, тизма нутқда ҳам ритмиклик ритмнинг моддий сегмент элементлари билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Ритмнинг структура элементлари асосидаги таснифда унинг сегментлари – материал компонентлари асосга олинганда, қуйидагича тасниф қилинади:

1. Ритмо-фонетик фигуралар.
2. Ритмо-морфологик фигуралар.
3. Ритмо-синтактик фигуралар.

Ритмо-фонетик фигураларнинг шеърий нутқдаги сегментлари қуйидагилардан иборатдир: *товуш, бўғин, туроқ (рукн), мисра, банд;* насрий нутқнинг сегментлари эса қуйидагилар: *товуш, бўғин, сўз, такт, жумла.*

Ритмо-морфологик фигуралар доирасига ундов, юклама ҳамда модал сўзлар киради. Булар ҳар икки нутқ шаклига бирдек тегишли.

Ритмо-синтактик фигураларни кириш сўз ва кириш гаплар, ундалма, ажратилган бўлак, ҳавола (илова) конструкциялар ташкил этади. Булар ҳам ҳар икки нутқ шаклига бирдек алоқадор.

Бу сегмент – материал компонентларнинг бир атама билан умумлашган номи ритмик фигуралардир. Ритмик фигуралар сегментлари сочма нутқ оқимида ҳам, тизма нутқ оқимида ҳам ритмик жиҳатдан ажралиб турувчи алоҳида бирлик (бўлак)лардир.

Мазкур ритмик фигуралар сирасида ритмо-фонетик фигуралар абстракт характерга эга. Чунки улар доимо барқарорлашган аниқликда, бир моделда қўлланавермайди, бир бутун асар таркибида қўлланганида турли қисмларга бўлиниб кетади ва товуш, бўғин, туроқ (рукн), мисра, банд, такт сифатида ритмнинг тайёр элементи эмас, потенциал имконияти тарзида мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, ритмо-морфологик фигура компоненти сифатида ундов, ритмо-синтактик фигура компоненти сифатида ундалма ритмнинг доимий тайёр материали, товуш эса ритмо-фонетик фигура компоненти бўлиб, фақат чўзиқ ёки фақат қисқа, урғули ёки урғусиз ҳолдаги тайёр материал сифатида мавжуд бўлмайди. Навоийнинг етти байтдан иборат ғазалининг беш байтидаги мисралараро бўғинлар миқдори, лингвистик планда қаралса, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлари бўйича тенг эмас. Ғазал матни:

Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била
Нечукки кўзда ёруғлуқ эрур қароғи била.

Фироқ шоми ёнгилмас ўқунг кўнгул йўлини,
Ки борур ул сори пайконидин чароғи била.

Эрур сукуту фано ишқ лозими булбул,
Не воқиф онча фиғону улуғ димоғи била.

Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин,
Кўрунгки, қовруладур шамъ доғи ёғи била.

Шаҳу улус ғамию жоми Жам, хушо улким,
Синуқ сафол ила дурд ичгай ўз фароғи била.

Хумор аро тиладим соқию қадаҳ, юз шукр,
Ки улки мен тиладим, келди ўз аёғи била.

Қучарға сарв ниҳоли бири қадингдек эмас,
Агар кетурса ани боғбон қучоғи била
[1. Б. 506 – 507].

Лингвистик жиҳатдан ўн тўрт бўғинли мисраларнинг ўн беш бўғинли бўлган ўз йўлдош мисраларига ритмик тенглашиши қуйидаги типдаги рукнланиш асосида рўёбга чиқади:

1-мисра: эрур кўнгул / да сафо иш / къ тоза до / ғи била

3-мисра: фироқ шоми / ёнгилмас ў / қунгъ кўнгул / йўлини

5-мисра: эрур суку / ту фано иш / къ лозими / булъбул

9- мисра: шаҳу улус / ғамию жо / ми жам хушо / улъким

11-мисра: хумор аро / тиладим со / қию қадаҳ / юз шукър

Ғазалнинг тўртинчи ва еттинчи байтларининг ҳар икки мисраси ҳам лингвистик планда ўн тўрт бўғиндан иборат. Бу байтларнинг ғазал умумий ритмига мувофиқлашиши қуйидаги рукнлашиш бўйича ўз амалини топган:

Ул ўтки ўр / тади парво / нани ҳамул / ўтъдин
Кўрунгки қов / руладур ша / мъ доғи ё / ғи била

Қучарға сар / въ ниҳоли / бири қадинг /
дек эмас,
Агар кетур / са ани бо / ғъбон қучо /
ғи била.

Ғазалдаги бўғин сифатида (бу ўринда поэтик бўғин) қўлланган ва шу қўлланиш туфайли рукн шаклланишида хизмат қилган ундошлар (қ, нг, л, к, т, м, в, ғ) унлилар каби бўғиннинг доимий ташкил этувчилари бўлиб қола олмайди. Демак, улар тайёр, ҳар доим бир хилда бўғин ярата верадиган материал эмас, потенциал имконият тарзидаги материалдир.

Барча ритмик системалар компонентлари орасида энг фаоли, энг ҳаракатчани товушдир. Чунки ритмик компонентлар қайси ритмик фигуралар доирасига кирмасин, товушлардан ташкил топади ва, албатта, ўзига хос поэтик вазифа бажаради. Унлилар ўзининг соф овоздан иборат эканлиги билан, урғули ёки урғусиз бўлиши, чўзиқ-қисқалиги билан, нутқнинг оғзаки шакли бўладими, ёзма шакли бўладими, сочма ёки тизма шакли бўладими, ритм билан боғлиқ функциясига эга бўлади. Шунингдек, ундош товушлар ҳам ўз йўлдош унлилари билан бўғин ҳосил қилишда қатнашганидек, иккиланиш, яъни геминатив қўлланиши билан ҳам ритмик вазифа бажаради.

Ритмо-фонетик фигура сифатида бўғин ҳақида гапирилар экан, албатта, унинг чўзиқ ёки қисқалиги, урғули ёки урғусиз эканлигига эътибор қаратилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бўғинни ташкил этувчи товуш назарда тутилади. Бўғин эса, одатда, унли товуш билан боғланади.

Ўзбек шеъриятида бўғиннинг чўзиқ ёки қисқалиги, асосан, аруз шеър системасига нисбатан қўлланади. Бўғин ҳам чўзиқ ёки қисқалиги, урғули ёки урғусизлиги бўйича доимо бир хилликда мавжуд бўлмайди. Масалан, «а» унлиси ритм яратишдаги иштироки жараёнида ўзининг аниқ ва конкрет сифатини намоён этади. Бўғин ҳақида гапирилганда, албатта, поэтик бўғин доирасида ундош товушлар ҳам бўғин яратиши мумкинлиги назарда тутилиши лозим. Ўзбек арузининг араб ва форс-тожик арузидан фарқи шундаки, ўзбек тилида унлилар доимо, ҳар қандай дистрибутив шароитда ҳам чўзиқ бўла бермайди. Ўзбек арузида вазн тақозоси туфайли унлини сунъий чўзишдан кўра, ундошнинг бўғин сифатида келиши табиийдир. Масалан, *куфр* сўзи шеърий матнларда ритмик талаб билан айни оғзаки талаффуздагидай куфир шаклида ҳам келиши мумкин, шунингдек, сўз охирига қисқа «и» қўшилган ҳолда, яъни *куфръ* шаклида ҳам қўлланиши мумкин. Фарқ шундаки, куфир қисқа ва чўзиқ бўғинлардан иборат бўлади, куфръ эса чўзиқ ва қисқа бўғинлардан иборат бўлади. Аруздаги куфръ дайри типида

Куфр ила имонға урғайсен илиқ,
Бу тамаъдинким очилғай бир эшик.

Эмдиким ул бут васли берди даст,
Куфр аҳли янглиғ ўлди бутпараст [2. Б.141].

Биринчи иккиликдаги дастлабки сўзнинг сўнгги товуши ўзидан кейинги «ила» сўзига қўшилади, мисранинг биринчи рукни (*куф-ри-ла*) таркибига киради, кейинги иккилик иккинчи мисрасининг биринчи сўзи икки бўғин, яъни *куф-ръ* бўлиб рукн таркибига киради.

Куфр сўзи ғазал таркибида келганда, уни, биринчидан, чўзиш имконияти ўта чегараланган, деярли чўзиб бўлмайди, иккинчидан, ҳар қанча чўзилганда ҳам, «ф» билан «р» товушлари орасидаги ўта қисқа «и» талаффузи сезила беради: куфър тарзида. Умуман, рукнларни белгилашда чўзиқ-қисқаликка асосланиш ўзбек тили табиатига доим ҳам мос келавермайди, баҳрларни белгилаш ва уларни терминологик жиҳатдан номлашда ҳам сунъийлик сезилади. Шулардан келиб чиқиб, профессор А.Рустамов ҳам уни тўлиқ ёқламаган. «Арузда вазнларни баҳрларга гуруҳлаштиришнинг маъқул томонлари ҳам, номаъқул жойлари ҳам бор», деб ёзган эди у [3. Б. 23].

Ритмо-фонетик фигуралар доирасида туроқ (рукн) марказий ўрин эгаллайди. Товуш ҳам, бўғин ҳам унинг таркибига киради. Туроқ (рукн) мисра таркибига киради ва мисрани ритмик жиҳатдан шакллантиради. Мисранинг ритмик жиҳатдан шаклланиши бўғинлар миқдорига эмас, шу бўғинларнинг туроқ (рукн) сифатидаги бутунликка уюшиб келишига боғлиқ.

Бутун борлиқ / шамолни тинглар,
Шамол эса / кулар ва инграр.
Билиш қийин, / унинг не дарди,
Сал тин олса / нима қиларди? [4. Б. 23]

Яхшилик / қилсанг-чи, / сен, бироқ
Қайтарми / у сенга? / Бу мубҳам.
Бошини / силасанг / гоҳи чоқ,
Қўлингни / тишлайди / итинг ҳам [5. Б. 248].

Ҳар иккала банд бўғинлари миқдор жиҳатдан тенг, яъни тўққиз бўғинлидир. Лекин уларнинг ритмик бўлиниши – туроқланиши бир хил эмас. Биринчи банд 4+5, иккинчи банд 3+3+3 туроқланиш асосида ритмик бўлакларга бўлинган.

Умуман олганда, туроқланиш мутлақ бир қолип, мутлақ бир стандартдаги қотиб қолган ҳодиса эмас. Келтирилган бандларнинг биринчиси бошқача кўринишдаги туроқланиш шаклини ҳам олиши мумкин. Бу бандни қуйидагича туроқларга бўлиш ҳам мумкин:

Бутун борлиқ / шамолни / тинглар
Шамол эса / кулар ва / инграр
Билиш қийин, / унинг / не дарди,
Сал тин олса / нима қиларди.

Бундай бўлинишда биринчи ва иккинчи мисраларнинг ҳар учала туроғи ҳам тенг бўғинлардан иборат: 4+3+2; учинчи мисра туроқланишида фарқ қилади: 4+2+3; тўртинчи мисра 4+5 бўғинли туроқланишда қолади.

Ритм кичик, бир бўғинли сўзларнинг алоҳида туроқларга бўлиниши ва уюшиши билан ҳам вужудга келади.

Сен шамсан,
сен шамол...
Йўқ, айт, сен нима?
Сенга, наҳот, бефарқ бу савол?
Сен шамсан,
сен шамол... [4. Б. 39].

Олти қатордан иборат бу бандни турли вариантларда туроқларга ажратиш мумкин. Банддаги бўғинлар миқдори йигирма олтита. Туроқларга бўлинишнинг бир варианти бўйича дастлабки ва охирги икки мисра алоҳидаликда тўрт туроқни ташкил этади. Учинчи ва тўртинчи мисралар туроқланиши қуйидагича:

Йўқ // айт // сен нима?
Сенга // наҳот // бефарқ // бу савол.

Шундай туроқланишдан келиб чиқилса, банд ўн бир туроқдан иборат ритмик бўлаклардан ташкил топган бўлади. Лекин бу банд бошқа вариант, бошқа ритмик бўлаклар шаклида ҳам туроқланиши мумкин. Туроқланишнинг мисралардаги ўрин алмашинувини А.Сабирдинов Ойбек шеърияти мисолида кўрсатиб ўтган [6. Б. 11].

Бармоқ вазнидаги туроқланиш асосида маъно-мазмунни ажратиб ифодалаш ётади. Ижодкор эътиборида бўлган ва ифодаланаётган маъно-мазмун ўқувчи томонидан ижодкор назара тутгандек қабул қилиниши ва англаб олиниши ҳам мумкин, фарқли равишда англаб олиниши ҳам мумкин. Бу ҳақда академик Л.В.Щерба ҳам тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этган: барча семантик кузатишлар фақат индивидуал бўлиши мумкин. Маъно-мазмуннинг «умумижтимоийлиги» ҳақида гапириладиган бўлса, айта оламанки, бадиий тил, ўз моҳиятига кўра, умумижтимоий эмас... баъзи ҳолларда у жуда кичик доираларга мансуб кишилар учунгина тушунарли бўлади, холос...

Матндаги кўп нарсаларни турлича талаффуз этиш ва бунинг натижасида уни турлича тушуниш мумкин, тўғри талаффуз ва муаллиф назарда тутган фикрни тўғри англаб олиш учун катта тажриба, адабий ўқимишлилик, тилни нозик билиш зарур бўлади. Чунки «изҳор этиш эшитувчига мўлжалланмаган фикр-мулоҳаза, аксинча, ахборот айни эшитувчига мўлжалланган фикр-мулоҳаза» [7. Б. 28, 31]. Алишер Навоий эса бу фикрни ўзининг «Садди Искандарий» достонининг икки мисрасида ифодалаган.

Тахайюл аро борча бир навъ эмас,
Ҳадисин ики кимса бирдек демас [8. Б. 557].

Поэзия дил изҳори сифатида ижодкорнинг индивидуал бадиий оламини ифодалайди. Ўқувчи эса ўз эстетик дидига мувофиқ қабул қилади.

Кўринадики, бармоқ тизимида туроқ қотиб қолган қолип доирасига кирадиган ҳодиса эмас, аксинча, нисбий эркинликка эга. Бундай ҳар хилликлар, биринчидан, бармоқ шеър тизимидаги ритмик бўлиниш – туроқланиш потенциалининг мавжудлиги билан изоҳланса, иккинчидан, ижодкорнинг бадиий услуби, фикр узатиш мақсади кабилар билан боғланади. Ўқувчи эса ўз мантиқий фикрлашидан келиб чиқиб, ўз психологик мижозига кўра ритмик бўлакларга бўлиб ўқийди ва шу туфайли ўзича тушунади, англайди, шеър мазмуни ва оҳангини ҳазм қилади. Шоир эса бир мисрадаги маълум бир ритмик бўлакни таъкидлаш учун ҳам алоҳида туроқ сифатида мустақил мисрага айлантиради.

Бармоқ вазнидаги нисбий эркинлик туфайли «Ҳамид Олимжон тўққизлик туркум ва унинг 4+5, 2+2+4+1, 4+2+3, 4+3+2, 2+2+3+2, 2+2+5, 4+4+1, 4+2+1+2,3+1+5, 2+2+2+3» ва бошқа вазнларини қўллаб… ранг-баранг ритмикани ташкил этган [9. Б. 387].

Мисраларнинг туроқланиши мисрадаги сўзларнинг жойлашуви, шу мисра умумий ритми туфайли бўғинларнинг хилма-хил комбинацияларда ўзаро уюшиши туфайли, мисрада мавжуд бўлган умумфонетик шароит тақозосига кўра юзага чиқади.

Бармоқ вазни қонуниятлари асосида яратилган шеърий асарларнинг туроқланиши, бўғинлар миқдори тенг бўлганда ҳам, аруз талаблари ва қоидаларига мувофиқ яратилган шеърий асарлар рукнлашишидан ритм бўйича фарқланиши мисраларнинг ўзида мавжуд бўлган умумфонетик шароит таъсири остида юз беради.

Ҳаяжон кўнглимда, ҳайрат ақлимда,
Олис қирғоқдаман – бу нечук тимсол!!
[10. Б. 128].

Ўқиш суръатига қараб, биринчи мисра 3+3, 2+3, иккинчи мисра 2+4, 3+2 кўринишида ҳам, 6+5, 6+5 тарзида ҳам туроқланиши мумкин. Лекин 4+4+3 тарзида туроқланмайди.

Аруз вазнининг ўзида ҳам бир хил бўғинли мисраларнинг ритмик бўлакларга бўлиниши ўзаро фарқланади. Бундай фарқланиш туфайли вазнлараро фарқлар келиб чиқади. Биргина ўн тўрт бўғинли мисраларнинг турлича ритмик гуруҳланишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Мафъулу / мафоийлун / мафъулу / мафоийлун
Қўюнг бо / рида қилмон жанн /
атқа гузар ҳаргиз

Қаддинг қо / шида солмон ту /
биға назар ҳаргиз

Мафъулу / мафоийлу / мафоийлу / мафоил
Иблис си / фат эл сари / майл этма, / Навоий
То бўлма / ғасен зарқу / риё қайди /
да мағлул [11. Б. 283].

Кўринадики, «бармоқ шеърий системасида асосий шеърий вазн бирлиги ҳижо ҳисобланиб, шеърий мисралардаги ҳижолар миқдори ва уларнинг нисбий тенглиги шу шеърнинг вазнини белгилайди» [12. Б. 195], деб қараш реалликни ифода этмайди, аксинча, шу ҳижоларнинг ритмик жиҳатдан уюшиши, гуруҳланиши, яъни туроқланиши вазнни белгилайди.

«Аруз шеърий системасида эса вазн чўзиқ ҳамда қисқа ҳижоларнинг маълум тартибда келиши билан бирга, арабча фаала (ҳаракат) сўзи асосида тузилган ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари шеършунослигида қабул қилинган махсус ритмик бирликлар (масалан: фоилотун, мафоилун, мустафъилун, фаулун ва ҳ.к.) асосида белгиланади» [12. Б. 195] деб аниқланиши ритмик бирлик остида рукн тушунилгани учун тўғридир.

Арузнинг «қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланган метрик шеър тизими» [13. Б. 35] тарзида белгиланиши яна ҳам соддароқ ва тўғрироқдир. Чунки бу белгиланишда ҳижоларнинг гуруҳланиши асосга олинган. Бу гуруҳланиш негизида бўғинларнинг уюшиши ётади.

Бармоқ ва аруз системалари ўзига хос хусусиятларга, ўз қонуниятларига эга. Мисра ритми туроқ (рукн) билан белгиланади.

Ритмо-фонетик таркибга кирувчи навбатдаги компонент мисрадир. Мисра товуш ва бўғинларнинг туроқ (рукн)ларга уюшишидан ташкил топади. Мисранинг ўзига хос биринчи хусусияти шундаки, унда бошланган фикр тугалланган бўлиши ҳам мумкин, тугалланмаган бўлиши ҳам мумкин. Мисранинг асосида фикр тугалланиши эмас, ритмик жиҳатдан бутунлашиш ётади. Масалан, қуйидаги мисраларда тугал фикр ифодаланган.

Кимдир чоҳ ичра ҳам давронин сургай,
Кимдир чўққида ҳам ўтга келгай дуч
[5. Б. 79].

Фикр тугалланиши қуйидаги иккиликда иккинчи мисра охирида якунига етади.

Бахтдир бу – ҳаётнинг кўҳна қасрида,
Набиранг дафъатан чалса қўнғироқ
[5. Б. 79].

Демак, мисра, энг аввало, ритмик бутунликдир.

Мисранинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, у ритмик жиҳатдан ўз шаклига эга бўлишида тилнинг жумла қурилишидаги грамматик нормаларига асосланиши ҳам мумкин, бу нормалардан четга чиқиши ҳам мумкин.

Деразамнинг тагида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Ҳамид Олимжоннинг бу машҳур мисралари насрий нутқ жумласидаги сўз тартибига мутлақо ўзгартириш киритилмаган ҳолда яратилган. Бунда ритмик уюшиш бўлиб, ритмо-фонетик компонент сифатида туроқланишнинг 4+5 бўлиниши иккилик ритмини белгилаган.

Демак, мисра ритмини белгиловчи бош омил туроқ (рукн)дир. Шеърий мисралар барқарор ритмга эга бўлиши товуш такрорига ҳам, қофия ёки радифга ҳам боғлиқ эмас. У туроқ (рукн)лар параллеллигига боғлиқ.

Ритмо-фонетик фигуралар структурасида катта ритмик бўлак банддир.

Банд «алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган шеър бўлаклари» [11. Б. 41], «нисбий тугал мазмунни ифодаловчи, умумий қофияланиш тартибига, ягона умумий оҳангга эга бўлган шеър парчаси» [12. Б. 313], «ритмик-интонацион ва мазмуний жиҳатдан нисбий мустақилликка эга бўлаги» [13. Б. 63] сифатида белгиланади. Қофияланиш тартиби ҳал қилувчи унсур эмас. Банд шеърий нутқнинг умумий ритмга эга бўлган, ритмик уюшган бўлак ёки парчаларидир. Банд унда фикрнинг нисбий тугалланиш жиҳатидан мазмунга боғлиқ ҳодиса, бир бутун шаклий бутунлик сифатида архитектоник ҳодиса. Унинг катта-кичиклиги мазмун билан боғланади. Мисралар миқдорининг кўп бўлиши мазмундаги нисбийликни тўлдириш учун хизмат қилади.

Ўзбек мумтоз поэтикасида банд турлари номланганда, мисралар миқдорига асосланилган. Атамалар эса ўзбек нутқида мутлақо қўлланмайдиган арабча сўзлар билан ифодаланган. Бунда бир ва тўққиз рақамларидан ташқари бирдан ўнгача бўлган рақамлар номлар учун асос бўлган. Масалан, иккилик маснавий, ўнлик муашшар. Банд турини номлашда мисралар миқдори асос экан, атамалар иккилик, учлик, тўртлик, бешлик ... ўнлик тарзида ўзбекча бўлиши шарт. Чунки предмет ўзбек арузи, лекин унга араб илми ва терминологияси қўлланишидан фарқи бўлган атамалар тизими бўлиши лозим.

Ўнлик энг катта банд. Таржиъбанд ва таркиббанд мураккаб тузилишга эга бўлган бандлар, «ўзига хос композицион қурилишга эга йирик ҳажмли лирик жанр» сифатида қайд этилади [12. Б. 313; 13. Б. 312 – 314]. Масалан, «таржиъбанд бир неча банддан ташкил топади. Ҳар бир банд ғазал усулида қофияланади ҳамда биринчи бандниng маснавий – жуфт қофия усулида қофияланган сўнгги байти барча бандларнинг охирида худди нақорат каби ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилади» [11. Б. 217].

Кўринадики, таржиъбанд бандлардан ташкил топадиган банд, бу банд жуфт қофияланган байт (аслида бу байт ҳам банд) орқали ажралиб туради – бандлардан ташкил топган банд, банд ажратиб турадиган банд.

Рус поэтикасида мазмуний жиҳатдан боғланиб, ритмик жиҳатдан уюшган бир неча бандларни ўз ичига олган катта бандларни, тилшуносликда мавжуд бўлган терминдан фойдаланиб, период сифатида белгилаш қабул қилинган [14. Б. 209]. Бу термин ўзбек тилшунослигида ҳам «айланиш, доира…» [15. Б. 80] маънолари асосида қўллаб келинади. Ўзбек поэтика илмида ҳам бандлардан (кичик, яъни микробандлардан) ташкил топган банд (катта, макробанд) тушунчаси учун период терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу сўз содда сўздир, икки таркибли сўзга нисбатан қулай бўлган интернационал терминдир.

Ўзбек шеъриятида энг катта ритмо-фонетик бутунлик тугалланган бадиий асар бўлиб, у маснавий шеър шаклида яратилганлиги туфайли шу атама остида тушунилган, яъни «маснавий» термини достон маъносида ҳам [12. Б.191; 13. Б.162] қўлланилган.

Тугалланган бадиий асарнинг энг кичиги сифатида фардлар қайд этилади. Фард эса, одатда, бир байтдан иборат бўлади. Байт икки мисрадан ташкил топади. Ўзбек поэзиясида бир мисрадан иборат мустақил жанр ва тугалланган бадиий асарлар ҳам шаклланди, ўз мавқеини эгаллади [16. Б. 203]. Демак, фард эмас, бирлик энг кичик жанр, ўз шаклига эга бўлган тугал бадиий асардир.

Ритмик фигура компонентлари дистрибутив жиҳатдан, албатта, ўзининг муайян ўрнига эга бўлади; яъни ҳар бир ритмик компонент бошқа ритмик бирлик ичида ажралиб туриши билан бир қаторда, уларнинг қуршовида ва улар билан ўзаро алоқадорликда бўлади.

Ритмо-фонетик фигура компонентлари барқарор тизимга эга. Бу тизимда энг кичик бўлган товушнинг ўрни бўғин таркибида бўлишдир. У ўзининг ритмик функциясини бўғин ва туроқ таркибида келиш билан бажаради. Бўғиннинг ўрни эса туроқ (рукн) таркибидадир. Туроқнинг ўрни мисрада, мисра эса банднинг бўлаги. Мисраларнинг туроқ (рукн)ланиш ранг-баранглиги шеърий вазндаги турли хилма-хилликларни келтириб чиқаради.

Туроқни белгилаш принципида мураккаблик йўқ, бироқ рукннинг белгиланиши нисбатан мураккабдир. Чунки айни бир товушдан ташкил топган бўғиннинг бир ўринда чўзиқ, бошқа бир ўринда қисқа белгиланиши ана шу мураккабликни келтириб чиқаради. Бошқа бир жиҳатдан ёндашилса, бундай белгилаш ўзбек поэзияси учун бир мунча сунъийдир.

Софи васли бўлмаса гар, барча заҳри
ҳажридур,
Соқиё, бир журъа тутким олди
жонимни аташ [1. Б. 243].

Келтирилган байтнинг биринчи мисрасидаги тўрт бўғин «и» унлиси билан ажралади. Шу бўғинлар «софи» ва «ҳажридур» сўзларида қисқа, «васли» ва «заҳри» сўзларида чўзиқ белгиланади. Бу унлининг рукнлар таркибидаги позицияси бир хил, яъни очиқ бўғинда жойлашган. Байт охирги рукн таркибида эса биринчи бўғинда жойлашган, лекин барча рукнлардаги биринчи бўғин чўзиқ бўлганлиги туфайли бу унли ҳам, очиқ бўғинда бўлишига қарамасдан, чўзиқ белгиланади. Аслида эса ўзбек адабий тилида «и» унлиси нисбатан қисқа унли саналади.

Унлиларнинг поэтик нутқ таркибида бундай хилма-хилликда келишига сабаб уларнинг соф овоздан иборат эканлигидадир. Бундай ўринларда унлилар ритмо-фонетик доирада эмас, ритмо-мелодик майдонда ўз табиатларини намоён этади. Унлида оҳанг яратиш имконияти мавжуд бўлади. Бу мусиқий ритмда яна ҳам аниқроқ намоён бўлади.

Мусиқий ритм ритмо-мелодик бўлиниш бўлиб, ритмо-фонетик компонентлар, яъни товуш ва бўғиндан иборат бўлган рукнлар оҳанг асосидаги чўзиқ-қисқаликка эга бўлади. Бобурнинг «Кўрсатмағай» радифли ғазалида ритмо-фонетик рукнланиш қуйидагича:

Шоми ҳижро / нин манга ул / бевафо кўр /
сатмағай,
Ҳажр шоми / асру муҳлик / дур худо кўр /
сатмағай [17. Б. 60].

Бундай рукнланиш горизонтал йўналишда ҳам, вертикал йўналишда ҳам бир-бирига мос тушади – биринчи рукнлар чўзиқ-қисқаликда ўзаро тенг бўлганидек, иккинчи мисра рукнларига ҳам тенг [18. Б. 33-34]. Лекин куйланганда ҳар бир рукннинг сўнгги бўғини ўзидан олдинги чўзиқ бўғинлардан чўзиқроқ айтилади. Бироқ ритмо-фонетик бутунлик сифатидаги рукн бир бутунлигича қолади. Бу – ритмо-фонетик ва ритмо-мелодик ритмдаги биринчи фарқ. Иккинчи фарқ рукнлар ўрнининг алмашинишидир. Мазкур ғазалнинг бастакор Ф.Содиқов нотасидаги рукнлашиши қуйидагича:

Шоми ҳиж / ро-нин манга / ул бевафо /
кўрсатмағай,
Ҳажр шо / ми асру муҳ / ликдур худо /
кўрсатмағай.

Кўринадики, мисралар охиридаги мақсур рукн мисра бошига ўтади.

Бундан келиб чиқадики, шеър мусиқийлиги ҳақида фикр юритилганда, ритмо-фонетик ва ритмо-мелодик ритмлар фарқланиши зарур. Шеърдаги мусиқийлик шеъриятнинг ритмо-мелодик табиати билан боғланади. Шуни таъкидлаш жоизки, ритмо-фонетик ва ритмо-мелодик ритмларнинг ўзаро муносабатлари қиёсий планда тадқиқ этилиши лозим.

Хуллас, тизма нутқ шаклида структурал жиҳатдан ўз компонентларига эга бўлган ритмо-фонетик, ритмо-морфологик ва ритмо-синтактик фигуралар ажратилади.

Адабиётлар:

1. *Навоий, А.* Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 724 б.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Э.И.Фозилов таҳрири остида. Тўрт томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1983. – 644 б.
3. *Рустамов А.* Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 56 б.
4. *Мухтор, Омон.* Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 368 б.
5. Орипов А. Танланган асарлар.Тўрт жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 494 б.
6. *Сабирдинов А.* Ойбек шеърий маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005. – 172 б.
7. *Шчерба Л.В.* Избранные работы по русскому языку. – Москва: Учпедгиз,1957. – 188 б.
8. *Навоий, Алишер.* Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.
9. Адабиётшунослик назарияси. I том. /М.К.Нурмуҳамедов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
10. *Воҳидов Э.* Асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2005.– 352 б.
11. *Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С.* Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 300 б.

12. *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 378 б.
13. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.
14. *Квятовский А.* Поэтический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1966. – 376 б.
15. *Ҳожиев А.* Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
16. *Йўлчиев Қ.* Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – 220 б.
17. *Бобур. Девон.* – Тошкент: Фан, 1994. – 144 б.
18. *Қуронов Д.* Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи. – 1997. – 80 б.

COMPONENTS AND THE PLACE OF RHITHM-PHONETIC FIGURES

N.X.Sharafiddinova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49) 76 – 83.
[1]The lyceum Ferghana State University, Ferghana,150100, str. Kuvasay 17 (Uzbekistan).
E-mail: far.fduq3al@markaz.uz

Keywords*: rhythm, component, line, figure, rhythm-phonetic, segment.*

The article argues that rhythm is a stable structural whole with interconnectedness of its constituent components. So far, research on rhythm has provided a variety of opinions on the elements of rhythm and their function. But the elements that make up the rhythm are not put into a single system. In fact, rhythm has its own stable system, just as the structural elements of language have a rigid system. Putting the components that make up a rhythm into one system makes it possible to understand a whole through its parts. Therefore, it is stated that the material elements of the rhythm and its segments are rhythmic figures with a common name, and this material is put into a system in the form of segments, rhythm-phonetic, rhythm-morphological, rhythm-syntactic figures. These rhythmic components are also shown to have their own system within a rhythmic figure, i.e. their own fixed position.

The components of a rhythmic-phonetic figure are realized in an artistic text and function as an element of rhythm. Hence, it is argued that the components of a rhythmic-phonetic figure are not a ready-made element of the rhythm, but elements of an abstract character in the form of a potential opportunity.The fact that the vowel sound in the Uzbek language is not only long or short, its pronunciation can be both long and short at the request of the rhythm is shown by the verses on desire, which is one of the leading poetic systems in Uzbek poetry.

The article shows the role of consonant sounds in the metric equalization of unequal verses along the joints, that is, in revealing the rhythmic balance. In this case, the short vowel involved in the process of pronunciation of any consonant in the Uzbek language is the vowel, which is a constant satellite sound of the consonant sound.

The article discusses the division of verses into stanzas, the principles of division into stanzas. Turak is not a rhythmic element that belongs only to the framework of a rigid mold, which has become an absolute standard, it has relative freedom. The relative freedom in the division of verses into stanzas is shown in the article to be related to the style of the poet-creator.It is stated that this style depends on the poet's way of thinking, the basis of logical thinking, the psychological client, the spiritual world in a particular situation.

As a rhythmic unit, it is emphasized that the verse is a rhythmic unit. The article also discusses poetic terminology. Suggestions are made to replace terms that are difficult to spell and pronounce, have a complex phonetic structure.

The article refers to the materials created in the leading poetic systems in Uzbek poetry. Alisher Navoi, E. Vohidov, A.Oripov, O. Opinions were expressed on poetic samples created by Mukhtar. Conclusions were made on the basis of a comparative method.

References:

1. Navoi, A. (1987) *Mukammal asarlar to‘plami* [A perfect collection of works]. In 20 volumes. 1-volumes. Tashkent: Fan.

2. Fozilov, E.I. (ed.) (1983) *Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati* [Explanatory dictionary of works of Alisher Navoi]. Four volumes. 2-volumes. Tashkent: Fan.

3. Rustamov, A. (1972) *Aruz haqida suhbatlar* [Conversations about dreams]. Tashkent: Fan.

4. Mukhtor, O. (2011) *Saylanma* [Selection]. 2-volumes.Tashkent: Sharq.

5. Oripov, A. (2001) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. In 4 volumes. 2-volumes.Tashkent: Gafur Gulam Publishing House of Literature and Art.

6. Sabirdinov, A. (2005) *Oybek she’riy mahorati* [Oybek’s poetic skills]. Tashkent: Fan.

7. Shcherba, L.V. (1957) *Izbrannye raboty po russkomu yazyku* [Selected works on the Russian language]. Moscow: Uchpedgiz.

8. Navoi, A. (1993) *Mukammala sarlar to‘plami* [A perfect collection of works]. In 20 volumes. 11-volumes Tashkent: Fan.

9. Nurmuhamedov, M.K. (ed.) (1978) *Adabiyotshunoslik nazariyasi* [Literary oftheory]. 1-volumes. Tashkent: Fan.

10. Vohidov, E. (2005) *Asarlar* [Works]. 2-volumes. Tashkent: Sharq.

11.Homidiy, H. (ed.) (1967) *Adabiyotshunoslik terminlari lug‘ati* [Dictionary of Literary Terms]. Tashkent: O‘qituvchi.

12. Hotamov, N., Sarimsoqov, B. (1983) *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati* [Russian-Uzbek Explanatory Dictionary of Literary Terms]. Tashkent: O‘qituvchi.

13. Quronov, D. (ed.) (2010) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of Literary Studies]. Tashkent: Akademnashr.

14. Kvyatovskiy, A. (1966) *Poeticheskij slovar’* [Dictionary of poetic]. Moscow: Sovetskaya enciklopediya.

15. Hojiev, A. (2002) *Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati* [Explanatory dictionary of Linguistic Terms]. Toshkent: O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi.

16. Yo‘lchiev, Q. (2016) *Tipologik o‘xshashliklar: birlik va uchlik* [Typological similarities: singular and trinity]. Tashkent: Turon zamin ziyo.

17. Bobur. (1994) *Devon* [Devon].Tashkent: Fan.

18. Kuronov, D. (1997) *Cho‘lpon: hayoti va ijodiy merosi* [Chulpon: life and creative heritage]. Tashkent: O‘qituvchi.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ШАРАФИДДИНОВА Нодира Хурсандовна – Фарғона давлат университети академик лицейи ўқитувчиси. E-mail:nodish.2808@gmail.com.